

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ  
ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ РАИСИ



И. БОҚИЖОНОВ

« 18 » август 2021 й.

## ДАСТЛАБКИ МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТЎПЛАМИНИ БЕРИШ УЧУН СЎРОВ

### ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ЛОЙИҲАСИ

Лойиха (тендер) номи:

«Жиззах вилояти **Ғаллаорол ва Бахмал туманлари**да каттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик (ДХШ) шартлари асосида бошқариш»

ДХШ объектининг жойлашуви:

Жиззах вилояти **Ғаллаорол ва Бахмал туманлари**

Давлат шериги:

Жиззах вилоят ҳокимлиги

Давлат шериги:

Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси

Тендер ташкилотчиси:

Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

Давлат қўмитаси

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам 5-тор кўчаси 15-уй 100170  
тел: (99871) 207-07-70 (1072#)

Тошкент ш. - 2021 йил август

## 1. Асосий тушунчалар

1. Маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси учун мазкур тендер ҳужжатларида куйидаги тушунчалар қўлланилади:

- 1) **Давлат-хусусий шериклик** (кейинги ўринларида - ДХШ) – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жихатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;
- 2) **ДХШ лойиҳаси** - давлат-хусусий шерикликка асосланган маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳаси;
- 3) **ДХШ лойиҳасининг концепцияси** – давлат ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, ДХШ лойиҳасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, шунингдек, жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган концептуал ҳужжат;
- 4) **ДХШ объекти** – қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ шартлари асосида амалга ошириладиган маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма;
- 5) **давлат шериги** – Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва вилоят (туман) ҳокимлиги (кейинги ўринларида – давлат шериги);
- 6) **хусусий шерик** – яқка тартибдаги тадбиркор, Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик фаолияти субъекти (юридик шахс) ва шундай субъектларнинг бирлашмаси (консорциум);
- 7) **тендер** - ДХШ лойиҳаси доирасида содалаштирилган рақобат тартибларидан фойдаланиб хусусий шерикни танлаш бўйича очиқ тендер;
- 8) **дастлабки малакани аниқлаш ҳужжатлари** – дастлабки малакани аниқлаш шартлари ва тартибини аниқлаш учун ишлаб чиқилган ва тендер ташкилотчиси томонидан малака ҳужжатларини тайёрлаш ва ДХШ тендернинг биринчи босқичда қатнашиш учун потенциал хусусий шерикларга тақдим этилган ҳужжатлар;
- 9) **тендер ташкилотчиси** - Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси;
- 10) **тендер комиссияси** - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссияси;
- 11) **мезонлар** – давлат-хусусий шериклик асосида маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳасининг тендер ҳужжатларида белгиланган танлаш мезонлари;
- 12) **битим** – тендер ташкилотчиси томонидан тендер комиссия қарори асосида тендер ғолиби билан тузиладиган ДХШ асосида маиший чиқиндиларни бошқариш тўғрисидаги битим;
- 13) **лойиҳани баҳолаш ҳужжати** (кейинги ўринларида – ЛБХ) – лойиҳанинг қийматини ва молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағлар ҳажмини белгилаб берувчи ҳамда асосланган энг мақбул техник-технологик ва лойиҳани амалга ошириш бўйича ташкилий қарорни қабул қилишни асословчи лойиҳа ҳужжати;
- 14) **галабгор** – ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича қизиқиш билдирган, тендерда иштирок этиш учун дастлабки малака ҳужжатларни ва тендер таклифларни тақдим этган яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки бир

- нечта тадбиркор ва юридик шахс иштирокида тузилган консорциум (оддий шерикчилик);
- 15) **тендер ғолиби** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер жараёни якунлари бўйича ДХШ тўғрисида битим тузиш учун танланган талабгор (хусусий шерик);
- 16) **захирадаги ғолиб** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер ғолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифини берган деб эътироф этилган талабгор (хусусий шерик).
2. Тендер ҳужжатларида қуйидаги қисқартмалар қўлланилади:
- 1) **Агентлик** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги;
  - 2) **Қонун** - Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги 537-сонли "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида" ги қонуни (кейинги ўринларида – Қонун);
  - 3) **Низом** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" қарорига мувофиқ тасдиқланган "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом" (кейинги ўринларида – Низом).

## 2. Умумий қоидалар

3. Мазкур дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини бериш учун сўров Қонун ва Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

4. Маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқига эга бўлиш учун хусусий шерикни танлаш учун мазкур сўров ҳужжати потенциал хусусий тадбиркорларга дастлабки малака босқичида иштирок этиш шартлари ҳақида маълумот бериш учун мўлжалланган.

5. Талабгорлар ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор эканлигини билдириш учун тендерда иштирок этганда қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши;
- ДХШ тўғрисидаги битимга доир мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган проффесионал тажрибага, моддий ва техник ресурсларга ҳамда малакали ва тажрибали мутахассиларга эга бўлиши;
- Қонунда белгиланган манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асосларга эга бўлмаслиги.

Қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган талабгорларнинг тендерда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

6. Дастлабки малакани баҳолаш бўйича асосий маълумотлар 1-иловада келтирилган ҳамда ДХШ лойиҳасини қисқача тавсифи 2-иловада келтирилган.

## 3. Хусусий шерикнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

7. Хусусий шерик ўз ва қарз маблағлари билан ДХШ лойиҳасини молиялаштириш ва амалга ошириш ҳуқуқига эга.

8. Тендер ташкилотчиси хусусий шерикка Қонунда назарда тутилмаган малака талабларини қўйишга ҳақли эмас. Хусусий шерик малака талаблари билан боғлиқ бўлмаган маълумотларини тақдим этмаслик ҳуқуқига эга.

9. Талабгорлар дастлабки малакага оид ҳужжатларни тақдим этиш муддати тугагунига қадар тақдим этишлари шарт ва тақдим этиш муддати тугагунига қадар

исталган вақтда дастлабки малакага оид хужжатларини ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

10. Хусусий шерик ўзининг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича тендер ташкилотчиси томонидан белгиланган шакллар бўйича хужжатларни ва барча маълумотларни тендер ташкилотчисига тақдим этади.

11. Хусусий шерик малака талабларига мувофиқлиги тўғрисида сохта ва ёлғон маълумотлар тақдим этган тақдирда, суд томонидан адолатсиз хусусий шерик деб тан олинган кундан бошлаб кейинги уч йил давомида ДХШ лойиҳалар бўйича давлат шерикларнинг тендерларида иштирок этиш тақиқланади.

12. Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган малака тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлиги тендернинг исталган босқичида тендер комиссия, тендер ташкилотчиси ёки ваколатли давлат органлари томонидан белгиланиши мумкин.

13. Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган малакага оид сохта ва ёлғон маълумотларни тақдим этилганлиги аниқлаганда тендер комиссияси талабгорни тендердан четлаштиради.

14. Талабгор ўз малакасани ошириш мақсадида консорциум шаклида ушбу тендерда иштирок этиши мумкин. Бунда консорциумни ташкил этиш асл шартномаси барча аъзолари томонидан имзоланган ва уларнинг вазифалари ва мажбуриятлари кўрсатилган ҳолда тақдим этилиш керак ва шартномада етакчи корхона белгиланиш керак. Шунда етакчи корхона ушбу хужжатда кўрсатилган дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- а) санитар тозалаш соҳага яъни маиший чиқиндиларни тўплаш, саралаш, олиб чиқиш ва қайта ишлаш, санитар полигонларда чиқиндиларни сақлаш ва утилизация қилишга оид махсус тажрибага эга бўлиш (5-илова, А-банди);
- б) малакага эга бўлган ва санитар тозалаш соҳада ишлаб келган асосий мутахассисларни мавжудлиги (5-илова, Б-банди);
- в) талабгорнинг юридик ахволи талабларига мувофиқлиги (5-илова Г-банди).

15. Консорциумни етакчи ва қолган аъзоларининг 5-иловада кўрсатилган бошқа мезон ва талабларга нисбатан умумлаштирилган ҳолда баҳоланади.

#### 4. Тендерда иштирок этиш билан боғлиқ чекловлар

16. Талабгорлар қуйидаги ҳолларда тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас, агар:

- Қонунда белгиланган манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асослар бўлса, масалан хусусий шерикнинг раҳбарларини ёки таъсисчиларини яқин қариндошлари, турмуш ўртоғи ёки қариндошлари ва хусусий шерикнинг ишончли вакиллари тендер бўйича баҳолаш ёки қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга ёки тендер комиссияси ва ишчи гуруҳ аъзоси бўлса;
- асосий воситалар баланс қийматидан 10 (ўн) фоизидан ортиқ бўлган хусусий шерикнинг мулки мусодара қилинган бўлса;
- талабгорлар ижро хужжатлари бўйича катта мажбуриятларга эга ва ижро хужжатларини ижро этиш учун ваколатли орган томонидан киритилган бўлса;
- талабгорларни картотека №2 ва банк ссудалари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлса;
- талабгорларнинг молиявий-хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ тўхтатилган бўлса.

17. Талабгорлардан ҳеч бири биттадан ортиқ тендер таклифини тақдим этишга ҳақли эмас.



## 5. Даствлабки малакани баҳолаш учун тақдим этиладиган хужжатлар

18. ДХШ лойиҳаси бўйича хусусий шерикни даствлабки малакасини баҳолаш учун талабгорлар 3 ва 4-иловаларда талаб қилинган маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар билан тақдим этадилар.

19. Талабгорлар консорциум шаклида иштирок этаётган бўлса, консорциумнинг барча аъзолари ўз малакасини намойиш қилиш учун 3 ва 4-иловаларда талаб қилинган маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар билан тақдим этадилар.

20. Консорциумнинг барча аъзолари номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини тендерда ҳимоя қилиш ваколоти етакчи компанияга юклаганлигини тасдиқловчи хужжатнинг (ишончномани) асл нусхаси тақдим этилиш керак.

## 6. Даствлабки малака хужжатларни тақдим этиш тартиби

21. Талабгорларнинг даствлабки малакага оид хужжатлари ушбу сўров хужжатида кўрсатилган тақдим этиш охириги муддатига қадар боғланган ҳолда, ҳар бир варағи рақамланган ва имзоланган ҳолда, охириги варақ эса хусусий шерикнинг раҳбари ёки консорциумнинг ишончли шахс имзоси ва корхонани (ёки етакчи корхонани) муҳри билан тасдиқланган ҳолда, ёпилган ва муҳрланган ташқи конвертда тақдим қилинади.

22. Ташқи конвертда қуйидаги муҳим маълумотлар бўлиши лозим:

- Хусусий шерикнинг (ёки консорциумнинг) тўлиқ номи ва почта манзили (агар консорциум бўлса фақат етакчи компаниянинг почта манзили);
- Тендер ташкилотчисининг тўлиқ номи ва почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100170, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор, 15-уй, телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#), 4 қават;**
- Тендер номи: **«Жиззах вилояти Ғаллаорол ва Бахмал туманларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш».**

23. Ташқи конвертларга солинган даствлабки малакага оид хужжатлар талабгорларнинг раҳбари ёки ишончли вакиллари томонидан тендер ташкилотчисинг манзили бўйича ёки рўйхатга олинган почта орқали тақдим этилади.

24. Тендер ташкилотчиси белгиланган муддатгача тақдим этилган даствлабки малакага оид хужжатларни:

- ўрнатилган тартибда қабул қилади ва реестрга киритади;
- аввал қабул қилинган хужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўрнатилган тартибда қабул қилади ва реестрга киритади.

25. Хусусий тадбиркорларнинг, яъни талабгорларнинг даствлабки малакага оид хужжатлари рад этилган ҳоллар, қачонки:

- талабгор ушбу ДХШ тендериде катнашиш учун хужжатларини бошқа талабгор таркибида ҳам тақдим этган бўлса;
- даствлабки малакага оид хужжатлар қабул қилиш охириги муддатидан сўнг тақдим қилинган бўлса.

26. Даствлабки малакага оид хужжатларни қабул қилиш тендер хужжатларида кўрсатилган тартибда ҳамда ҳолларда электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

## 7. Даствлабки малака хужжатларни баҳолаш тартиби

27. Тендер ташкилотчиси даствлабки малака хужжатларни қабул қилингандан сўнг тендер комиссиясининг қарорига биноан белгиланган муддат давомида талабгорларнинг даствлабки малака талабларига мувофиқлигини ўрганиш, аниқлаш ва баҳолаш ишларни ташкиллаштиради.

28. Талабгорлар даствлабки малака талабларига мувофиқлиги учун маълумотларни ва тасдиқловчи хужжатларни ушбу сўровда берилган шартларига риоя этмаган ҳолда тақдим этган бўлса, тендер ташкилотчиси мазкур талабгорларни малакасини тақдим этилган маълумотлар ва хужжатлар асосида баҳолаш ҳақли.

29. Даствлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлар 5-иловада келтирилган ва тендер ташкилотчиси фақат ушбу мезонлар бўйича талабгорларни баҳолайди.

30. Бир босқичли<sup>1</sup> тендерда талабгорнинг даствлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифларини баҳолашда тўплаган балларига қўшилади.

31. Икки босқичли<sup>2</sup> тендерда даствлабки малака босқичидан муваффақиятли ўтган талабгорлар, яъни камида 60 (олтмиш) балл тўплаган талабгорлар, тендер иштирокчиси сифатида эътироф этилади ва уларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўрови ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойихаси юборилади.

32. Икки босқичли тендерда даствлабки малакалашни ўтказиш натижасида камида иккита талабгор малака талабларига мувофиқ бўлиши керак. Акс ҳолда, тендер комиссияси тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Такрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

33. Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди, бир ёки икки босқичли тендер бўлишдан қаттиқ назар.

<sup>1</sup> Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойихаси бўйича бир босқичли тендер ўтказилади.

<sup>2</sup> Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойихаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади.

**Дастлабки малакани аниқлаш босқичи бўйича асосий маълумотлар**  
(Ушбу илова талабгорларга фақат маълумот учун берилган, малакага оид хужжатлар таркибида топшириш талаб этилмайди!)

№	Кўрсаткич номи	Маълумотлар
1	Тендер ташкилотчиси	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси  Манзил: 100170, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор, 15-уй Телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#)
2	Дастлабки малака хужжатларини тўпламини қабул қилиш жойи ва охириги муддати	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси.  Манзил: 100170, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор, 15-уй  Сана: 2021 йил « ____ » _____ Вакт: 00:00
3	Дастлабки малака хужжатларини тўпламини ташқи конвертларни очиш жойи, санаси ва вақти	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси.  Манзил: 100170, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор, 15-уй  Сана: 2021 йил « ____ » _____ Вакт: 00:00
4	Аризани тақдим қиладиган тили	Ўзбек тили
5	Алоқа, савол ва мурожаат учун маълумотлар	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси.  Манзил: 100170, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор, 15-уй  Телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#) Электрон почта: _____
6	Дастлабки малака хужжатларини тўпламини бериш сўрови бўйича саволлар билан мурожаат қилиш охириги муддати	Дастлабки малака хужжатларини тўпламини қабул қилиш охириги муддатидан етти (7) кун.
7	Дастлабки малака хужжатларини тўпламини тақдим этиш шакли ва нусхалар сони	Ёпилган ва муҳрланган ташқи конвертда, қоғоз шаклида, битта (1) асл нусха ва битта (1) нусха.

**ДХШ лойиҳасининг қисқача тавсифи**

*(Ушбу илова талабгорларга фақат маълумот учун берилган, малакага оид ҳужжатлар таркибида топшириш талаб этилмайди!)*

№	Кўрсаткич номи	Маълумотлар
1	ДХШ лойиҳасининг номи	Жиззах вилоятининг <b>Ғаллаорол ва Бахмал туманлари</b> да қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш
2	ДХШ объекти	Қурилиши ва эксплуатацияси ДХШ лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган Жиззах вилояти <b>Ғаллаорол ва Бахмал туманлари</b> да маиший чиқиндиларни йиғиш, олиб ташлаш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма
3	ДХШ объектининг жойлашуви	Жиззах вилояти <b>Ғаллаорол ва Бахмал туманлари</b>
4	ДХШ лойиҳасини амалга ошириш шартлари ва босқичлари	Битим муддати: 20__ - 20__ йил (10 йил)  Инвестиция киритиш муддати: 20__ - 20__ йил (3 йил)
5	ДХШ лойиҳаси қиймати	ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича талаб этиладиган инвестиция миқдори <b>24 821,5</b> млн. (млрд.) сўм
6	Харажатларни тиклаш ва даромад олиш манбалари	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш хизматлари учун мижёзлар томонидан амалга оширилган тўловлар, ҳамда чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлашдан топилган қўшимча ва бошқа даромадлар
7	Давлат таъминоти турлари ва ҳажмлари	ДХШ битимига мувофиқ



## Тендер иштирокчиси тўғрисида МА Ъ Л У М О Т Л А Р

### 3А: Умумий маълумотлар

Тендер иштирокчисининг тўлиқ юридик номи (агар консорциум шаклида бўлса, консорциумни барча аъзоларнинг тўлиқ юридик номи): \_\_\_\_\_

Тендер иштирокчиси (консорциумни етакчи аъзосини) раҳбарининг Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_

Манзил ва телефон/факс рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почтаси: \_\_\_\_\_

Юридик мақоми: \_\_\_\_\_

Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами: \_\_\_\_\_

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди буйича): \_\_\_\_\_

Тендер иштирокчи санитар тозалаш соҳага оид бўлган махсус тажрибасини қуйдаги жадвалларда маълум қилиши ва тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиш керак:

#### 1-Жадвал:

Иштирокчининг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш тажрибаси ҳақида маълумотлар

№	Бириктирилган ҳудуд (шаҳар ёки туман)	Бириктириш учун асос бўлган ҳужжат*		Бириктирилган сана	
		ҳозирда амалда бўлган ҳужжат*	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат*	ҳозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича
1					
2					

Изоҳлар:

\* - Тегишли ҳудудни бириктириш тўғрисида ваколатли давлат органнинг қарори ёки Е-ижро аукцион золиби билан тузилган битим нусхалари корхона муҳри билан тасдиқланган (аслига тўғри белгиси билан) ҳолда илова этилиши шарт.

#### 2-Жадвал:

Иштирокчининг маиший чиқиндиларни қабул қилиш, саралаш ва қайта ишлаш тажрибаси ҳақида маълумотлар

№	Чиқиндиларни қабул қилиш, саралаш ва (ёки) қайта ишлаш ускуналари жойлашган жойи	Фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжат*		Экологик экспертиза хулосаси	
		ҳозирда амалда бўлган ҳужжат (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат (берилган вақти ва рақами)	ҳозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)
1					
2					

Изоҳлар:

\* - Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа ваколатли органларнинг гувоҳнома ва (ёки) рухсатномаси тақдим этилади.

### 3-Жадвал:

Иштирокчининг санитар полигонларда чиқиндиларни сақлаш ва утилизация қилиш тажрибаси ҳақида маълумотлар

№	Фаолият амалга ошириладиган чиқинди полигонининг жойлашган жойи*	Фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжат**		Экологик экспертиза хулосаси	
		ҳозирда амалда бўлган ҳужжат (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат (берилган вақти ва рақами)	ҳозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)
1					
2					

Изоҳлар:

\* - Чиқинди полигоннинг жойлашган жойини Google җаритаси тақдим этилади.

\*\* - Қайси ваколатли давлат органнинг ёки бошқа тегишли ташкилотнинг қарори (ёки бошқа норматив ҳужжатлар ва шартнома) асосида чиқинди полигон бириктирилган ёки қурилган бўлса, ушбу ҳужжатлар илова қилинади.

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) раҳбарини имзоси:

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) муҳри:

Тузилган сана: 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

### ЗБ: Тендер иштирокчисининг асосий мутахассислари ҳақида маълумотлар

№	Асосий мутахассис	Ф.И.Ш. ва туғилган санаси	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) <sup>1</sup>	Эгаллаган лавозими <sup>2</sup>	Тендер иштирокчиси да эгаллаган лавозимларда иш стажы <sup>3</sup> (йиллар)	Санитар тозалаш ёки лавозим билан боғлиқ бўлган иш тажрибаси <sup>4</sup> (йиллар)
1	Корхона раҳбари					
2	Транспорт соҳасидаги муҳандис					
3	Транспорт соҳасидаги иқтисодчи					

Изоҳлар:

1-диплом, шаходатнома ва ҳ.к. нусхаси;

2-лавозимга тайинлаш ва (ёки) вазифани юклаш ҳақидаги буйруқ нусхаси;

3-меҳнат дафтарчаси нусхаси (иш стажы [www.my.mehnat.uz](http://www.my.mehnat.uz) "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилган маълумотлар орқали аниқланади);

4-бошқа ташилотларда ишлаган даври бўйича санитар тозалаш соҳасида ёки кўрсатилган лавозим бўйича тажрибаси ҳам инobatга олиниши сабабли, меҳнат дафтарчасининг тегишли бетларидан нусха тендер иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган ҳолда (аслига тўғри белгиси билан) илова қилиниши шарт.

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) раҳбарини имзоси:

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) муҳри:

Тузилган сана: 2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

### ЗВ: Тендер иштирокчисини молиявий ахволи тўғрисида асосий кўрсаткичлар

**1) Қоплаш коэффиценти (тўловга қодирлик коэффиценти)** - ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффицентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффицент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{пл} = \frac{(ТМЗ - НП) + ДЗ + ДС}{ТО}$$

Бунда:

- ТМЗ** – товар моддий захиралар (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 140-сатр;
- НП** – тугалланмаган ишлаб чиқариш (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 160-сатр;
- ДЗ** – дебиторлар (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 210-сатр;
- ДС** – пул маблағлари жами (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 320-сатр;
- ТО** – жорий мажбуриятлар жами (ҳисобот даври охири), баланс пасивининг II бўлим 600-сатр.

Агар тўловга қодирлик коэффиценти ҳисобот даври охирида 1,25 дан кам қийматга эга бўлса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

**2) Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти** - ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, корхона мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффицент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$НСОС = ИСС - ЗУ + ДО - ДА$$

Бунда:

- ИСС** – ўз маблағлари манбалари жами (ҳисобот даври охири), баланс пасивининг I бўлим 480-сатр;
- ЗУ** – таъсисчиларнинг устав капиталига улушлари бўйича қарзи (ҳисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 290-сатр;
- ДО** – узоқ муддатли мажбуриятлар жами (ҳисобот даври охири), баланс пасивининг II бўлим 490-сатр;
- ДА** – узоқ муддатли активлар жами (ҳисобот даври охири), баланс активининг I бўлим 130-сатр;

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти ижобий (НСОС > 0) кўрсаткични ҳосил қилса, у ҳолда корхона ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланган деб ҳисобланади.

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) раҳбарини имзоси:

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) муҳри:

Тузилган сана: 2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



**Дастлабки малакани аниқлаш босқичида талабгорларнинг  
малакасини баҳолаш учун тақдим этиладиган хужжатлар  
Р Ў Й Х А Т И**

**4А. Юридик хужжатлар:**

- 1) Юридик шахс рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- 2) Юридик шахс низомининг нусхасини. Талабгор консорциум шаклида иштирок этган ҳолларда (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 53-боби бўйича юридик шахс бўлмаган оддий шериклик) низомнинг нусхалари консорциумнинг барча аъзолар томонидан тақдим этилади;
- 3) Талабгорнинг мол-мулки хатланмаганлиги, банк ҳисоб рақамларга тақиқ қўйилмаганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги Мажбурий ижро бюро органлари (ёки бошқа ваколатли органлари) томонидан тасдиқланган маълумотнома (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 4) Талабгорнинг тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисида талабгорнинг кафолат хати (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 5) Талабгорни таъсисчиларнинг корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш нияти йўқлигини тасдиқлаш кафолат хати;
- 6) Консорциум (оддий шерикчилик) шаклидаги жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг бирлашмалари танловида иштирок этган тақдирда, унинг иштирокчилари ўз малака талабларини тасдиқлаш учун тендер хужжатларнинг 19-бандида белгиланган қўшимча хужжатларни тақдим этадилар.

Изоҳ:

*Талабгорлар ўз хоҳишларига қўра малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа хужжатларни ҳам тақдим этишлари мумкин.*

#### 4Б. Молиявий хужжатлар:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги қонунчилигига ёки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган, охириги (ўтган) уч тўлиқ молиявий йил учун молиявий ҳисоботлар (Ф-1 ва Ф-2 шакллар ва бюджетга тўловлар ҳақида маълумот), мансабдор шахсларнинг муҳри ва имзоси билан ҳамда Давлат солиқ инспекция электрон тизимига топширилганлиги тўғрисида тасдиқловчи хужжат билан;
- 2) Талабгорнинг асосий ва иккиламчи банк ҳисоб рақамларида пул мавжудлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банк хати (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 3) Талабгорнинг мулк ҳуқуқини ҳамда кўчмас ва кўчар мулкнинг қийматини тасдиқловчи хужжатлар («Мулккий рўйхатни») нусхарлари (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 4) Талабгорнинг картотека №2, банк ссудалари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжудлиги/йўқлиги, талаб қилиб олинганча миллий ва хорижий валютадаги асосий ва иккиламчи банк ҳисоб рақамлардаги маблағлар қолдиғи, ҳамда улар бўйича сўнгги 2 йиллик айланмалар (оборот) ҳақида хизмат кўрсатувчи банклардан Маълумотномалар (*ариза топшириш муддатидан бир ой аввал ҳолатига*).

#### Изоҳ:

*Тендер ташилотчиси (ёки тендер комиссия ва уни баҳолаш учун жалб қилинган ваколатли шахслари) дастлабки малакалаш босқичида тақдим этилган талабгорларнинг маълумотларни ва хужжатларни ишончлигини ва тўғри эканлигини текшириш мақсадида, заруратга кўра қўшимча маълумотларни ва хужжатларни талаб этишига ҳақли ҳисобланади. Талабгорлар томонидан юридик ёки молиявий хужжатлардан бири тақдим этилмаслиги ёки юқорида белгиланган талаблар асосида тақдим этилмаслиги тендер комиссияси томонидан талабгорни дастлабки малакалашдан ўтмаган деб топши ёки дисквалификация қилиш учун сабаб бўлиши мумкин.*

Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлари

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
<p><b>А) Талабгорнинг санитар тозалиш соҳага оид маҳсус тажрибаси (юқоридаги 3-илова «А-банди», 1, 2 ва 3-жадваллар):</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Санитар тозалаш соҳасидаги хизматлар тажрибаси, шу жумладан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш; маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш; санитар полигонларда чиқиндиларни сақлаш ва утилизация қилиш (3 йил ва ундан ортиқ тажрибага максимал 20 балл; 1 йилдан 3 йилгача 10 балл, 1 йилдан кам тажрибага 5 балл; умуман тажрибага эга бўлмаган корхонага 0 балл).</li> </ul>	20
<p><b>Б) Талабгорнинг асосий мутахассислар малакаси (юқоридаги 3-илова «Б-банди»):</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Корхона раҳбари – 8 балл</li> <li>Транспорт соҳасидаги муҳандис – 6 балл</li> <li>Транспорт соҳасидаги иқтисодчи – 6 балл</li> </ul> <p>Бунда айнан шу корхонада фаолият юритаётган ҳодим стажига қараб баҳоланади. Юқорида айтилган ҳар бир асосий мутахассис қуйидагича баҳоланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ умумий малака (маълумоти): олий (40%), ўрта-маҳсус (20%) ва ўрта (10%);</li> <li>✓ санитар тозалаш соҳасида ёки лавозим мутахассислигига оид маҳсус тажриба: 3 йил ва ундан ортиқ (60%), 1 йилдан 3 йилгача (40%), 1 йилдан кам стаж (20%), соҳага оид иш стажидан мавжуд бўлмаган ҳолларда 0 балл бериллади</li> </ul>	20
<p><b>В) Талабгорнинг молиявий аҳволи (юқоридаги 4-илова «Б-банди»):</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Охириги йиллик молиявий ҳисобот бўйича кўрилган соф фойда кўрсаткичи (Ф-2 шакл)</li> </ul> <p>Бунда 10 балл тендер иштирокчилари сонига бўлинади ва иштирокчиларни оладиган баллари улуши аниқланади, энг юқори кўрсаткич эгаси максимал баллни олади, қолган иштирокчилар кўрсаткичлари бўйича камайтирилган балл эгасига айланади. Бунда соф фойда молиявий ҳисоботда акс этмаган иштирокчига балл берилмайди.</p> <p><b>Мисол:</b> Иштирокчилар сони 5 та бўлганда (10/5=2). Юқори кўрсаткич 10 балл, иккинчи яхши кўрсаткич эгаси 8 балл, учинчи яхши кўрсаткич 6 балл, тўртинчи кўрсаткич 4 балл ва охириги ижобий кўрсаткич эгаси 2 баллга эга бўлади.</p>	10
<ul style="list-style-type: none"> <li>Охириги йиллик молиявий ҳисоботи бўйича қоплаш коэффиценти (тўловга кодирлик) бўйича (энг юқори – 10 балл, меъёрдан баланд 5 балл, меъёрдан паст – 0 балл). (юқоридаги 3-илова «В-банди 1-қисми»)</li> </ul>	10

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
<p>Бунда энг юқори кўрсаткич тендер иштирокчиси максимал баллга, қоплаш коэффициентини (тўловга қодирлик) меъёрдан паст бўлган иштирокчилар максимал баллнинг 50% миқдорига, қоплаш коэффициентини меъёрдан паст бўлган кўрсаткич иштирокчиси 0 баллга эга бўлади.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи бўйича (юқоридаги 3-илова «В-банди 2-қисми»)</li> </ul>	10
<p>Бунда 10 балл тендер иштирокчилари сонига бўлинади ва иштирокчиларни оладиган баллари улуши аниқланади, энг юқори кўрсаткич эгаси максимал баллни олади, қолган иштирокчилар кўрсаткичлари бўйича камайитирилган балл эгасига айланади. Ижобий кўрсаткичга эга бўлмаган иштирокчига балл берилмайди.</p>	
<p><b>Г) Талабгорнинг юридик ахволи (юқоридаги 4-илова «А-банди»):</b></p>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабгорнинг мол-мулки хатланмаганлиги, ҳисоб рақамларга тақиқ қўйилмаганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги ҳақида тегишли органлардан тасдиқловчи маълумотномалар тақдим этилган тақдирда 10 балл, ушбу маълумотномаларнинг барчаси ёки биронтаси мавжуд бўлмаган тақдирда ёки маълумотномаларда мол-мулки хатланган ва (ёки) ҳисоб рақамларга тақиқ қўйилган ва/ёки молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилганлиги кўрсатилганда балл берилмайди);</li> </ul>	10
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ишлаб чиқариш бинолари (автогараж), чиқинди ташиш техникаси, ускуналар, машиналар ва механизмларнинг мавжудлиги ҳақида маълумотномалар (тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга) тақдим этилганда 10 балл, ушбу мол-мулкдан биронтаси, яъни автогараж ёки чиқинди ташиш техникаси ёки қолганлари мавжуд бўлмаган тақдирда 5 балл, умуман маълумот тақдим этилмаганда ва (ёки) тақдим этилган маълумотда юқоридаги мол-мулк мавжуд эмаслиги кўрсатилганда 0 балл берилади;</li> </ul>	10
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабгорнинг юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган санасидан бошлаб умумий молиявий-хўжалик фаолияти даври (0 йилдан - 3 йилгача 50%, 3 йилдан - 5 йилгача 75%, 5 йилдан юқори бўлганда 100%)</li> </ul>	10
<b>ЖАМИ</b>	<b>100</b>

Изоҳлар:

**Бир босқичли тендерда** талабгорнинг дастлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифларини баҳолашда тўплаган балларига қўшилади.

**Икки босқичли тендерда** дастлабки малака босқичидан муваффақиятли ўтиш учун талабгорлар камида 60 (олтмиш) балл тўплаш лозим. Шундагина талабгорлар иккинчи босқич тендер иштирокчиси сифатида эътироф этилади ва уларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўрови ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси юборилади.